## *Хабарлар оқимидан*

### Санъаткорларимиз Швейцарияда

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ва Эстрада санъатини ривожлантириш жамғармаси ўзаро ҳамкорликда халқимизнинг беқиёс фольклор санъати дурдоналарини нафақат мамлакатимиз ҳудудида, балки дунёнинг кўплаб хорижий давлатларида ҳам тарғиб қилиш ва оммалаштириш борасида тинимсиз изланишлар олиб бормоқдалар. Жумладан, яқинда Швейцариянинг Альтендорф ва Давос шаҳарларида уларнинг ташаббуслари билан республикада хизмат кўрсатган артист Маҳмуд Намозов ва «Сурхон» гуруҳи ҳамда «Ўзбегим юлдузлари» ансамбли вакиллари ўзбек миллий санъатини муносиб равишда намойиш этдилар.

Маълумки, «Сурхон» гуруҳи репертуаридан ўрин олган қўшиқларнинг деярли барчаси Сурхондарё воҳасига хос бўлган соф ўзбек фольклор санъати намуналаридир. Шу боис ушбу концерт дастурлари санъатсевар Швейцария халқида унутилмас таассурот қолдирди.

**Ф. БОБОЖОНОВА.**

### Ишчилар ёзган китоб

Навоий машинасозлик заводи жамоаси кон-металлургия комбинати тузилмаларинигина эмас, бутун республикамиз кончилик саноатини энг зарур жиҳозлар, асбоб-ускуналар билан таъминлайди. Турли ҳажм ва аниқликдаги дастгоҳларига хорижликлар ҳам талабгор. Бугина эмас, қишлоқ хўжалиги учун энг керакли ҳисобланган эҳтиёж қисмлари, халқ истеъмоли молларига ҳам эҳтиёж ҳам катта. «Десна» кир ювиш машиналарига бошқа республикалардан буюртмалар қабул қилинмоқда.

Жорий йилнинг октябрь ойида ўзининг 40 йиллигини нишонлайдиган жамоа навоийлик станоксозларнинг кечаси, бугуни ва келажагини ифодаловчи китобни босмадан чиқарди. Унинг муаллифлари завод ишчилари, муҳандис-техник ходимлари, фахрийларидир. Турли йилларда муҳрланган фотосуратлар билан безатилган ушбу тўплам республикамиз кончилари, металлурглари, машинасозлари, умуман, кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди.

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



*Гулга ошуфталик ёш танламайди, дейишгани рост экан. Марғилондаги «Ёрқин» маҳаллалик Абдуҳамидҳожи Отажонов етмиш ёшдан ошиб, фарзандлари, набиралари ардоғида бўлса-да, ҳамон гул парваришлайди. Балки шу боисдир у кишининг кўнгли ҳамиша ёш. Ахир ўзгаларга гул совға қилиб, қувончига қувонч қўшиш, уларнинг миннатдор чеҳрасини кўришдан ортиқ бахт борми?*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

## *Шифокор огоҳлантиради*

*Йод танқислиги ва бунинг натижасида юзага келаётган қатор касалликлар бутун дунё аҳолиси ўртасида кенг тарқалиб бораётган, ўз ечимини топиши лозим бўлган муаммолардан ҳисобланади. Бу ўринда йод организмда қандай вазифани бажаради, унинг етишмаслиги оқибатида қандай асоратлар келиб чиқади, деган саволлар туғилиши табиий. Йод одам учун кундалик зарур микроэлементлардан бири бўлиб, у Ер куррасида бир текисда тарқалмаган.*

# Танангиздаги йод етишмаса...

Одамнинг йодга бўлган кундалик эҳтиёжи ўртача 100-200 мкг.ни ташкил этади. Бу миқдордаги йод элементини у асосан истеъмол қилган озиқ-овқат маҳсулотларидан олади. Агарда тупроқ таркибида йод кам бўлса, ўша ерда етиштирилган мева, сабзавот, дуккакли экинларда ҳам йод миқдори кам бўлади ва у киши танасининг йодга бўлган эҳтиёжини қондира олмайди.

Маълумки, ички секреция безлари орасида қалқонсимон без ғоят муҳим вазифани ўтайди. Қалқонсимон безда ишлаб чиқариладиган гармонларнинг асосий таркиби йод моддаси ҳисобланади. Ўз навбатида ушбу гармонлар организмда қатор жараёнларда иштирок этади. Йод моддасининг етишмаслиги натижасида эса қалқонсимон безда шу гармонларнинг ишлаб чиқилиши сусаяди. Оқибатда ҳомила ёки туғилган боланинг бош миясида оқсил, углевод ҳамда ёғ моддалари, қонда холестерин миқдорининг ўзгариши, иммун тизимининг заифланишига олиб келади. Йод етишмовчилик ҳолатлари кузатилганда ёш болаларда ақлий ва жисмоний ривожланишдан орқада қолиш, бўй ўсишининг сусайиши, вазннинг кичик бўлиши, чақалоқлар йиғлаганда товушнинг дағаллашуви ва пастлиги сезилади. Катталарда уйқучанлик, нафас сиқиши, соч тўкилиши, дармонсизлик, юрак уриши мароминиг бузилиши, ақлий ва жинсий заифлик, бепуштлик, қалқонсимон безнинг катталашуви кузатилади.

Зеро, йод етишмовчилиги ҳолатлари ва унинг натижасида келиб чиқадиган оғир асоратлар, кўнгилсизликлардан йироқ бўлиш ҳар биримизнинг ўз қўлимизда. Кўп йиллик кузатишлар шуни кўрсатдики, ҳозирги кунда юқорида айтиб ўтганимиздек, тупроқда ва унда ўсадиган ўсимликларда йод моддаси кам. Шунинг учун аҳолининг йодга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида кундалик турмушимизда ишлатиладиган ош тузини йодлаш ва аҳолини йодланган туз билан таъминлаш кераклиги аён бўла бошлади. Вазирликлар, давлат ва нодавлат ташкилотлари бу масала билан шуғулланмоқда.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Эндокринология илмий-текшириш, Саломатлик институтлари ва уларнинг ҳудудий филиаллари Осиё Тараққиёт банкининг тегишли грант лойиҳаси, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар фонди – ЮНИСЕФ гранти асосида иш олиб бораяпти.

Жамоатчиликнинг фикрини шакллантириш, аҳоли яшаш ҳудудларида, маҳаллаларда, олий ва ўрта махсус билим юртларида йод етишмовчилик ҳоллари ва унинг олдини олиш мақсадида йодланган ош тузининг фойдали томонларини уқтириш, инсон саломатлиги учун зарур бўлган тиббий билимларни халқимиз билан ҳамжиҳатликда ўрганиб чиқиб, ҳаётга татбиқ этишимиз лозим.

**Н. ТОШБОЕВ,**
**Саломатлик институти бўлим мудири.**

ХАЛҚ БАНКИ – СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

> ***Миллий қомус – минг йиллик тарихимизни ўзида мужассамлаштириб, асрлар давомида ўз ўқувчиларига хизмат қилади.***
>
> **Ислом КАРИМОВ**

# МИЛЛАТНИНГ ПАСПОРТИ

“Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”нинг навбатдаги бешинчи жилди нашрдан чиқди.

Яшил муқовали, салобатли китобни қўлга олиб варақлар экан, кишини ифтихор туйғуси чулғайди. Чунки бу каби нашрда “миллат” тушунчаси кўзгуда акс этгандай ёрқин ифодасини топади. Президентимизнинг ибораси билан образли қилиб айтганда миллий қомус “давлатнинг паспорти”дир.

“Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”нинг нашр этила бошланиши – тарихий воқеа. Унинг жилдлари билан танишиб бораётган ҳар бир ўзбекистонлик қалбида ўз юртининг тарихи, халқининг заковатидан ифтихор туйғуси мавж уриши табиий.

Бу сўзлар балки кимдадир “Бундай баландпарвоз сўзларга ҳожат борми? Ахир у аввал ҳам босилган-ку?” каби саволлар уйғотар. Ҳа, 1970-80 йилларда 14 жилдли “Ўзбек совет энциклопедияси” (ЎзСЭ) нашр этилган. Аслида мазкур нашр ҳам ижтимоий ҳаётда катта воқеа бўлган. Уни ўша давр шароитида, ўзбек халқининг буюк тарихи, маданий ва ижтимоий салоҳиятига имкони борича муносиб тарзда амалга ошириш осон кечмаган. ЎзСЭнинг бош муҳаррири, академик Иброҳим Мўминовдан, унинг атрофига уюшиб, ўзбек тилида қомус яратишга бел боғлаган кишилардан катта шижоат талаб этилган. Қуйидаги биргина мисол ўқувчига бу хусусда муайян тасаввур берса керак.

“ЎзСЭ”нинг биринчи жилдини варақласангиз, Амир Темур ҳақида мақола ўрнида шундай ёзувга йўлиқасиз: **“Амир Темур (1336-1405) – темурийлар империяси номи билан машҳур бўлган йирик феодал давлат асосчиси (қ. *Темур ибн Тароғай Баҳодир*)”.** Қомуслар “тили”да қавс ичидаги ёзув Амир Темур ҳақидаги маълумот учун “Темур” деган мақолага мурожаат этиш лозимлигини билдиради.

Гап шундаки, И.Мўминов ЎзСЭнинг 1-жилди учун соҳибқирон ҳақида катта мақола ёзган, унда совет мафкурасининг тақозоси билан тарихий ҳақиқатдан четга чиқадиган айрим ўринлар бўлса-да, аммо яхлит олганда, Амир Темурнинг фаолияти ижобий руҳда тасвирланган, умумжаҳон тарихида тутган ўрнига муносиб баҳо бериш мақсад қилиб қўйилган. Мақола қўлёзмасини ўқиган марказқўм масъуллари тепа сочлари тикка бўлиб, муаллифдан уни қайта ёзишни талаб қилишган. И.Мўминов принципиал олим эди. У жузъий таҳририй тузатишлар билан чекланади. Мақола, табиий, яна КПСС мафкурачиларининг норозилигига сабаб бўлади. Лекин Иброҳим Мўминов билан илмий мунозарага киришиб бас келиш мушкул эди. Шунинг учун Амир Темур ҳақидаги мақолани биринчи жилддан бутунлай олиб ташлашга, унинг тарихий исми-шарифини бузиб, “Темур” сарлавҳаси остида беришга ҳукм қилишади (Улар то “Т” ҳарфига навбат етгунча Мўминовдан қутулишни мўлжаллаган бўлишлари ҳам истисно эмас. Нима бўлганда ҳам, 1974 йилда И.Мўминов вафот этди, Амир Темур сиймоси асосан қора бўёқларда тавсифланган мақола эса 1978 йилда ЎзСЭнинг 11-жилдида чиқди).

Ана шундай тазйиқларга қарамай, ўзбек қомусчилари Иброҳим Мўминов “чизиғи”ни имкони борича давом эттирдилар: “ЎзСЭ”да кўпдан-кўп унутилган ва унутила бошлаган Ўрта осиёлик алломалар ҳақида мақолалар берилди, унга кўплаб миллий қадриятларга оид материал киритилди. Масалан, “Ўрта Осиёда XVIII асргача нечта математик-астроном яшаб ўтган?” деган савол берилса, ЎзСЭга асосланиб, “юздан зиёд” (!) дея жавоб бера оламиз. “Самарқандий” нисбали тарихий шахслар ҳам юздан зиёд эканига гувоҳ бўламиз.

Мустақиллигимизнинг 12 йиллиги арафасида Ватанимиз фани ва маданиятига улкан ҳисса қўшган арбоблар сафида Иброҳим Мўминов “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланиши миллатпарвар аллома жасоратига берилган ҳаққоний баҳо бўлди.

“Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”дан яна бир ифтихор туйғуси шундаки, МДҲ миқёсида фақат Ўзбекистондагина янги миллий қомус нашр этишга киришилди. Ҳатто Россия Федерацияси каби улкан матбаа ва ноширлик имкониятига эга мамлакат ҳам миллий қомус чоп этиш лойиҳаси устида эндигина иш бошлади. ЎзМЭни нашр этиш эса довондан ошди: ўн жилддан бештаси дунё юзини кўрди, олтинчи жилд чоп этилиш арафасида.

Янги нашрнинг аҳамиятини англаш учун “Ўзбек совет энциклопедияси” билан “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”ни нашр этиш принципларини қиёслаш мақсадга мувофиқ.

Буюк аждодларимизнинг жаҳон фани ва маданияти ривожига қўшган улкан ҳиссаси бутун дунёда эътироф этилган. Хусусан, Хоразмий, Ибн Сино, Амир Темур ҳақидаги маълумотлар, дунёнинг қайси мамлакатида чоп этилган бўлмасин, универсал қомусларга албатта киритилади. ЎзСЭда ҳам уларнинг ҳар бирига йирик мақолалар бағишланган, албатта. Аммо...

Юртимиздан етишиб чиққан энг буюк тарихий шахслардан бири – бу Имом Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийдир. Бу табаррук зот буюк муҳаддис сифатида бугун бир миллиард нуфусли ислом дунёсида эъзозланади. Лекин у зот дин олими бўлганидан қатъи назар дунёвий илмга қўшган улкан ҳиссаси билан ҳам ҳар қандай универсал энциклопедиядан ўрин олиши лозим. Чунки Имом Бухорий нарратив, яъни ривоят шаклидаги маълумотлар ичидан объектив тарихий фактларни саралаш услубини ихтиро қилган ва уни саҳиҳ ҳадисларни аниқлашда, ўзининг тарихга оид асарларини ёзишда муваффақият билан қўллаган (Тарихий манбаларга ана шундай илмий-объектив ёндашув методологияси XIX асрда немис олими Леопольд фон Ранке томонидан “қайтадан” кашф қилинган ва бу хизмати учун Геродотга қиёсланиб “Янги тарих отаси” номини олган). Шунга қарамасдан, ЎзСЭдан “Имом Бухорий” мақоласини излаш зое – бундай мақола йўқ! Фақат 9-жилдда атиги 21 сатрли “Саҳиҳи Бухорий” мақоласи берилган бўлиб, унда Имом Бухорий исми эслаб ўтилган, холос. Айни пайтда шу жилддан бугун ҳатто ватанида ҳам ҳеч ким эсламайдиган Франция компартиясининг ўша пайтдаги раҳбари В.Роше ҳақида 29 сатрли мақола ўрин олган!?

Бундай “холислик”нинг сабаби равшан: КПССнинг ЎзСЭ каби иттифоқдош республикалар қомусларини нашр этишдан кўзлаган асосий мақсади – халқларнинг тарихини ҳам, ҳозирги ҳаётини ҳам коммунистик мафкура нуқтаи назаридан ёритиш, миллатлар ўзлигини танишига эмас, балки унутишига хизмат қиладиган қурол яратиш бўлган. Таҳрир ҳайъати, муаллифлар ҳар қанча интилмасин, ана шу ғайриилмий мақсаддан узоқлашиб кетиш иложсиз эди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, умуман, жаҳон тарихида яратилган ҳар бир универсал қомус муайян ғояга қаратилган. Мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, IX асрда Бағдодда яратилган 54 рисоладан таркиб топган “Расоил Ихвон ас-сафо” китоби дастлабки универсал энциклопедия деб ҳисобланиши мумкин (А. Игнатенко. “Саодат излаб”. 1989). У Форобийнинг адолатли жамият ҳақидаги ғоялари Мағриб орқали Европага етиб боришида катта роль ўйнаган.

Босма усулда чоп этилган дастлабки қомус – француз маърифатпарварлари Дидро ва Даламбернинг машҳур “Фан, санъат ва ҳунармандчилик энциклопедияси”дир. Бу қомус Европа халқлари феодализмдан республика тузуми ва капиталистик тараққиёт сари юз тутишига пойдевор тайёрлаган. XIX аср охири ва XX аср бошларида чоп этилган “Брокгауз ва Ефрон”, “Гранат” қомуслари ҳам ўша даврда аҳолининг сиёсий курашларда иштирокини кучайтиришда муайян роль ўйнаган. АҚШда деярли ҳар йили қайта нашр этиладиган “World Book” (“Дунё китоби”) қомуси америкача ҳаёт тарзини тарғиб қилишга хизмат этиб келмоқда.

Хуллас, совет идеологлари универсал қомуслар мафкуранинг муҳим воситаси эканини яхши билган. Шунинг учун улар ўз мафкурасини аҳоли онгига сингдиришда “Большая советская энциклопедия” (уч марта нашр этилган), “Малая советская энциклопедия” каби нашрлардан устомонлик билан фойдаланган. Ўтган асрнинг 60-йилларидан чоп этила бошлаган республикалар энциклопедиялари ҳам ана шу мақсадга йўналтирилиши лозим бўлган. Хусусан, қайси республиканинг қомуси бўлмасин, унда шу республика жойлашган ҳудудда яшаб келган халқлар тарихи камситилиб, Россия тарихига эса жуда кенг ўрин берилган, халқларнинг октябрь тўнтаришигача бўлган тарихи ихчамлаштирилиб, совет тузуми йилларига оид фактлар ҳаддан зиёд бўрттирилган.

Мисол учун, БСЭнинг учинчи нашрида ўзбек халқининг даҳоси Алишер Навоий ҳақидаги мақола 2,5 устундан иборат бўлгани ҳолда, худди шу жилдда Некрасов тўғрисида 4,5 устунли мақола берилган. Ёки бўлмаса, “Тимур” мақоласи атиги 23 сатр, “Тимуриды” мақоласи 28 сатр бўлгани ҳолда, Юлий Цезарга ўн баробар кўп ҳажмда, ҳатто Чингизхон тўғрисида 60 сатрли (!?) мақола берилган. Ҳолбуки, Амир Темур Русь давлатини Олтин Ўрда асоратидан халос бўлишига катта ҳисса қўшган. Бошқа томондан, Россия империясининг босқинчилик сиёсатини амалга оширган Скобелев, Кауфман, Черняев каби генераллар “фаолияти” каттароқ ҳажмли мақолаларда баён қилинган.

Худди шу принцип республикалар энциклопедияларига ҳам тиқиштирилган. Биз буни юқорида Амир Темур, Имом Бухорий мисолларида кўрдик.



Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгач, уни мустаҳкамлаш масаласи кун тартибига чиқди. Халқимизнинг туб манфаатларига ёт мафкура билан суғорилган ЎзСЭ ўрнига янги мустақиллик даври қомусини яратиш долзарб эди. 1996 йил 4 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Қомуси”ни нашр этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилиниб, унда Ўзбекистон энциклопедиясининг илмий концепциясини ишлаб чиқиш учун 23 кишилик ҳайъат таркиби тасдиқланди. Янги қомуснинг юқори даражада савияли бўлишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 мартдаги қарорига мувофиқ, Давлат матбуот қўмитасининг Қомуслар бош таҳририяти негизида “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти ташкил қилинди. Нашриёт Ўзбекистоннинг янги қомусини яратишга киришиб, 2000 йилда унинг биринчи жилдини ўқувчилар қўлига етказиб берди. Бугун бешинчи жилд ўқувчиларга тақдим этилмоқда.

Қомус нашр этиш айрим хусусиятларга эга. Биринчидан, энциклопедияни нашрга тайёрлаш мураккаб ва машаққатли жараёндир. Бу ишда муҳаррир, муаллиф, тақризчи, рассом, картограф каби минглаб мутахассислар қатнашади.

Универсал энциклопедияда жамиятнинг тарихи ва бугунги ҳаёти, унинг жаҳон цивилизациясидаги мавқеи, дунёнинг табиий, сиёсий ва иқтисодий харитасидаги энг сўнгги ўзгаришлар, барча фан соҳаларида сўнгги давргача қўлга киритилган энг салмоқли ютуқларга оид материаллар жамланиши лозим. Ранг-баранг тарзда ёзилган мақолалар энциклопедияга хос ягона услубда таҳрир қилиниши, иллюстрациялар ва библиографик материаллар билан таъминланиши даркор.

Иккинчидан, энциклопедия нашр этиш жамиятда етарли даражада интеллектуал кучлар мавжуд бўлишини тақозо этади. Ҳолбуки, давримизда ўта жадаллашган илмий-техника тараққиёти шароитида турли соҳада ҳар йили қанчадан янгиликлар қилинаётганини кўз олдингизга келтириб кўринг. Фан ва техника оламидаги кашфиёт ва ихтиролардан, жаҳон ижтимоий ва сиёсий тафаккуридаги янгиликлардан хабардор, бир сўз билан айтганда, компетенцияли мутахассислар етарли бўлиши керак. Мисол учун, ҳар йили бериладиган Нобель мукофоти совриндорлари ҳақида мақолалар оператив тарзда ёзилиши лозим. Бу вазифани, табиийки, бу ишлардан хабардор мутахассисларгина малакали тарзда бажара олади. Республикамизда ана шундай кадрлар етарли эканини ЎзМЭ жилдлари исботлаб турибди.

Бу ўринда қомусчиликнинг яна бир жиҳати юзага чиқади. Бугунги глобаллашув асрида, коммуникация ривожланиши билан одамларнинг кундалик турмушига нафақат фан-техника ютуқлари, уяли телефон, мультимедиа каби кўпдан-кўп мосламалар кириб бормоқда, балки халқларнинг урф-одатлари қоришиш жараёни ҳам кечмоқда. Бунинг намунасини кўриш учун дўконлар пештахталарига қараш кифоя: унда Голландия пишлоғи, Америка яхна ичимлиги, Цейлон чойи, Бразилия кофеси ёнма-ён терилганини кўрасиз. Глобаллашув жараёни бундан буён яна ҳам жадалроқ давом этиши равшан. Бу жараёнда ҳар бир миллат ўз ўрнига эга бўлишида информациянинг аҳамияти катта. Бу масалани ҳал этишнинг синалган воситаларидан бири, шубҳасиз, универсал энциклопедиядир.

ЎзМЭни нашр этиш принципига кўра ундаги материалларнинг ярми умуминсоний, ярми эса миллий мавзудаги мақолалардан ташкил топади. Шундай қилиб янги қомусимизда умуминсоний ва миллий қадриятлар уйғунлиги мувозанатлашган. Қомусхон ЎзМЭдан ҳам “Инсоният қандай ривожланмоқда? Бугунги дунёнинг қиёфаси қандай? Қайси халқ қай тарзда кун кечирмоқда?” деган саволларга жавоб топади, ҳам халқимизнинг тарихи ва маданиятига, юртимиз табиати ва моддий бойликларига оид маълумотлар олади. Хуллас, хилма-хил маълумотларнинг битта нашрга жамлангани, қулайлигидан ташқари, билим доирасини бойитиш, тафаккурини ўстиришни истаган ҳар бир киши учун сув ва ҳаводай зарур.

Миллий қомус нашр этишнинг яна бир муҳим шарти – бу энциклопедиянинг илмийлигини таъминлашдан иборат. Қомус нашр этишга киришган мамлакатнинг умумжаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган ҳиссаси салмоқдор ва бошқа халқлар томонидан эътироф этилган бўлсагина, у том маънода “энциклопедия” сифатини касб этади. Албатта, қомус саҳифаларини майда-чуйда маҳаллий материаллар билан тўлдириб ташлаш, ё номи ўз ҳудудидан ташқарига чиқмаган кишиларни йирик тарихий шахс даражасига кўтариш, ёки тарихан бир неча халққа мансуб олим ва адибларни “ўзиники” қилиб тасвирлаш каби ғайриилмий йўллар билан ҳам қомус жилдларини шишириш мумкин. БСЭ нашр этишда бу каби усуллар анча-мунча қўлланилган, ҳозир ҳам айрим мамлакатларда нашр этилаётган қомуслар шу тарзда “миллийлаштирилаётгани”га мисоллар бор. Лекин тарихни алдаб бўлмайди. Қомусга кирган ҳар бир факт илмий асосга эга бўлсагина, у том маънода энциклопедия бўлади.

Давлатчилигининг асослари 3000 йилдан ошадиган Ўзбекистон халқлари маданий тарихининг бойлиги ана шу принциплар асосида миллий энциклопедия яратишга тўла имкон беради – бунинг бир далили сифатида бугун ЮНЕСКО каби нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилган кўплаб расмий ҳужжатларни санаб ўтиш мумкин.

Энциклопедия “миллий” деган сифат касб этиши ҳам ўзидан ўзи бўлмайди. Албатта, қайси миллат ва элат бўлмасин, ўз тили ва урф-одатларига эга, яшаётган ҳудудининг ўзига хос табиати бор. Лекин универсал қомус мундарижаси ва мазмуни шу билан чекланмайди – шу миллат, шу халқнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасининг салмоғи уни том маънода “миллий” қилади. Хусусан, универсал қомусда, истанг-истаманг, илмий тушунчалар, олимларнинг таржимаи ҳоллари ва фан тараққиётига қўшган ҳиссаларини ёритувчи мақолалар талай ўрин эгаллайди. Фан тараққиётига эса турли халқлар турли даражада ҳисса қўшган ва ҳозир ҳам шундай. Энциклопедия миллий бўлиши учун унинг таркибида умуминсонийлик касб этган маҳаллий материалнинг салмоғи етарли бўлиши керак. Бу принцип, худди шу сингари, давлатчилик, шаҳарсозлик, иқтисодий салоҳият, адабиёт, санъат каби соҳаларга ҳам тааллуқли. ЎзМЭнинг ҳозиргача чоп этилган жилдларини варақлар эканмиз, бу борада халқимизнинг буюк яратувчилик қудратига яна бир марта шоҳид бўламиз. Ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Ибн Сино, Беруний, Амир Темур, Улуғбек, Навоий, Беҳзод, Бобур каби аждодларимиз-ку бутун дунёда маълум. Айни пайтда ҳар бир асрда юртимизда, гарчанд номлари кўпчиликка таниш бўлмаса-да, фаолияти билан тарихда из қолдирган юзлаб ва минглаб ижодкорлар яшаб ўтгани ҳақида ЎзМЭдан маълумот оламиз. Хусусан, 1-жилдни варақлай бошлабоқ, Амир Темурнинг лашкарбошиларидан бўлган Аббос Баҳодур, шоир Мирабдуллахўжа Абдий, санъаткорлар Абдузоийр ва Абдукаримхўжа, Яссавий зиёратгоҳи учун Амир Темур буюртмаси билан қуйилган дошқозон устаси Абдулазиз рихтагар, 13-асрда яшаб ўтган хаттот Абдулвадуд Шоший каби тарихий шахслар билан танишасиз. Шу мисолларнинг ўзиёқ халқимиз дунёнинг энг маърифатли миллатларидан бири бўлганини кўрсатиб турибди.

Хотима ўрнида ўқувчилар эътиборини бир муаммога қаратмоқчимиз. Энциклопедиянинг бу нашри – мустақил Ўзбекистон қомусидир. Унда бугун мамлакатимизда яшаётган, меҳнат қилаётган барча элу элат вакилларининг янги давлат қуришдаги ўрни ёритилган. “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросида Ватан туйғусини чуқурлаштиради, унинг келгуси тақдири ҳақида, Ер юзидаги салкам 200 та давлат ўртасидаги мавқеи ҳақида қайғуришга ундайди. Шундай экан, ЎзМЭ жилдлари ҳар бир раҳбар кабинетидан жой олиши даркор. У мактаб директорими ё хўжалик раиси, ҳокимми ё тадбиркор, шифохона мудирими ё корхона раҳбари – бундан қатъи назар. Барча олий ўқув юртлари, лицей ва коллежларнинг ҳар бир кафедрасида, ҳар бир мактаб кутубхонасида, ҳар бир ҳарбий қисм, маҳалла қўмитасида ҳам ЎзМЭдан бир комплект бўлиши шарт. ЎзМЭ ҳозирча 10 000 нусхадан чоп этилмоқда. Кўплаб нуфузли кабинетларда ҳозиргача ЎзСЭнинг жилдлари терилиб турибди, кабинет соҳиблари эса уларни ЎзМЭ билан алмаштириш, ҳеч бўлмаганда ёнига қўшиб қўйишга эътиборсизлик қилмоқдалар.

Олинган маълумотларга қараганда, бир қатор вазирликлар ўз тизимидаги ташкилотларда ЎзМЭ қандай тарқатилаётгани ҳақида маълумотга эга эмас. Айрим идоралар (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, “Ўзбекнефтегаз” миллий холдинг компанияси ва б.) бундай китоб чоп этилаётганидан бехабарга ҳам ўхшайди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат спорт қўмитаси, “Ўздонмаҳсулот”, “Ўзенгилсаноат” каби идоралар атиги бир-икки нусхадан сотиб олиш билан чекланган. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи соҳаларда ҳам аҳвол шунга яқин. Мудофаа вазирлиги берган маълумотга кўра, ЎзМЭнинг ҳар бир жилдидан 30 нусхадан харид қилинмоқда. Ҳарбий хизматчиларимиз контингентини инобатга олсак, бу миқдор уларнинг эҳтиёжини қондириш учун кифоя эмас.

ЎзМЭга обуна бўлиш ва тарқатишга яхши эътибор бераётган ташкилотлар ҳам бор. Масалан, Тошкент вилояти ҳокимлиги энциклопедия жилдларининг ҳар биридан 1000 тадан харид қилиб, вилоят кутубхоналарига тарқатишни мўлжалламоқда. Фақат икки ярим миллион аҳолиси бўлган вилоят учун бу кўрсаткич кам.

Тошкент давлат юридик институти миллий қомуснинг 1-жилдидан 100 нусха сотиб олгани ибратли, аммо кейинги жилдларидан атиги 10 нусхадан олинаётганини тушуниш қийин. Шунга ўхшаш аҳвол Бухоро вилоятида ҳам кузатилади: 1-жилддан 300, 2-жилддан (бу жилддан Бухоро вилояти ва Бухоро шаҳри ҳақида кўплаб материаллар ўрин олгани учун) 800 та олинган, 5-жилддан эса 100 нусха тарқатиш режалаштирилган, холос. Бу дуруст принцип эмас. Қаерда бўлмасин, ЎзМЭ жилдлари тўла-тўкис бўлиши керак, акс ҳолда у ўз функциясини росмана бажаролмайди. Қолаверса, мамлакат битта-ку, ахир.

Афсуски, бошқа вилоят- ларда қомусни ташкилий равишда сотиш масаласи қониқарсиз ҳолатда. Жиззах каби айрим вилоятларда ЎзМЭни тарқатиш ҳатто хусусий тадбиркорларга ташлаб қўйилган.

ЎзМЭ саҳифаларида мамлакатимизнинг иқтисодий тизими, транспорт-коммуникация инфратузилмаси ҳақида ҳам бой материал мавжуд. Шунинг учун у ишлаб чиқариш дарғалари, тадбиркорлар учун ҳам малакали қўлланмадир.

Гап сармоядорлар ҳақида кетганда, беихтиёр ёдга жадид миллатпарварлар тушади – уларнинг кўпчилиги бой ва тадбиркор кишилар эди, сармоясининг асосий қисмини миллатни маърифатга йўллашга сарфлаб, халқимиз тарихидан ўчмас жой олдилар. Уларнинг ворислари ибрат олиб, таълим муассасаларини китоблар, газета ва журналлар билан таъминлашга ҳисса қўшсалар, нур устига нур бўлар эди.

Ҳар бир зиёли китоб жавонида ЎзМЭ бўлишини истайди десак, янглишмаймиз. Лекин суҳбатларда кўпинча “нархи қиммат, маош йўл қўймайди” қабилидаги жавобни эшитамиз. Ҳолбуки, ЎзМЭ таннархининг ярми давлат ҳисобидан қопланиб, эллик фоиз арзон нархда сотилмоқда. Лекин гап бунда ҳам эмас. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” жилдларига жо бўлаётган маънавий бойликнинг баҳоси борми?

Миллий қомус-ку ҳукумат қарорига мувофиқ, барибир охирги жилдигача нашр этилади. Фақат у ишлаши, авлодларимизни баркамол бўлиб вояга етказишга хизмат қилиши лозим. Бу мақсад йўлида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ва “Маҳалла” хайрия жамғармасининг ҳомийлар кўмагида олиб бораётган ишларини қайд этмоқчимиз. “Камолот”чилар ёшлар ўртасидаги турли мусобақалар ғолибларига соврин сифатида “ЎзМЭ” тақдим қилиш амалиётини қўлламоқда, “Маҳалла” жамғармаси эса ўзининг барча туман бўлимларини марказий равишда таъминлашга киришган. “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари таҳририяти Наманган шаҳридаги 26-болалар уйи, Тахтакўпир туманидаги 6-мактаб, Қўшкўпир туманидаги 44-мактаб ва Паркент туманидаги 6-ва 41-мактабларга миллий қомусдан бир комплектдан байрамолди совғаси инъом этганки, бу ғоят савоб ва ибратли ташаббусдир.

Бундай ташаббус кенг ёйилса, айни муддао бўлар эди. Миллий қомус – бу “давлатнинг, миллатнинг паспорти” эканлиги шуни талаб этади.

**А.АЪЗАМОВ,**
**физика-математика фанлари доктори,**
**Ф.МУСАЕВ,**
**фалсафа фанлари номзоди.**

# Покистон матбуоти ўзбек кураши ҳақида

Кураш халқаро ассоциациясининг Тошкентда жойлашган бош қароргоҳига Покистон Республикасидан хушхабар келди. Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси матбуот марказининг хабар беришича, Покистон Кураш федерацияси Бош котиблигига Сайед Мазхар Хусаин Шоҳ сайланган. Шу йилнинг август ойида ушбу давлатда Кураш федерациясининг расман очилиш маросими бўлиб ўтди. Федерациянинг қароргоҳи Карачида. Унинг президенти этиб, жаноб Мирзо Ирфон Ахмед Байт тайинланди. Шу муносабат билан Покистоннинг кўплаб йирик нашрларида халқаро майдонга юз тутган кураш, унинг тарихи ва кураш халқаро ассоциациясининг таркибий тузилиши ҳақида жуда кўплаб мақолалар эълон қилинди. Шунингдек, матбуот нашрларидан таниқли полвонлар ва кураш филойиларининг мулоҳазалари ҳам ўрин олган. Мамлакат газеталарининг хабарларига кўра, Покистон кураш федерацияси шу йил ўтказиладиган барча турнирларда фаол қатнашиш учун тайёргарликни бошлаб юборган.

Миллий қадриятимиз бўлган ўзбек курашининг жаҳон майдонларидаги қадами янада шиддатлашмоқда. Ҳозирга келиб, беш қитъанинг 73 давлатида кураш расман тан олинди.

**Ўз мухбиримиз.**


THE NEWS
SPORTS
20 SPORTS Friday
Pak Kurash body await word from Asian Confederation

